

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «21» 12

613-3-46-МТ/2022-
сон

Ш. Рашидов Т

Шароф Рашидов туман Мактабгача таълим бўлими (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан **Бюджет** асосида фаолияти юритувчи раҳбари **А. Кўбаев** ва “**NEW STAR DJIZAKH**” МЧЖ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан **Низом** асосида фаолият юритувчи раҳбари **Ш. Маматкулов** мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра ўз материаллари ёки буюртмачининг материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

Жиззах вилоят Шароф Рашидов туман Мактабгача таълим бўлимига қарашли 13-сон Давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 й. «20» Декабрга қадар пудратчига зарурий лойиха-смета ҳужжатлари, техник харитлар таҳдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 15% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 120 кун ичида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

1. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома қийматининг 15 % миқдоридида бўнак тўловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг қолган маблағни буюртмачига узил-кесил, ҳисоб-китоб амалга оширилади.

2.2. Шартнома икки томондан имзолангандан кейин қонуний кучга эга бўлади ва « 31 » Декабрь 2022 йилгача амал қилади.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни кўриқлаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини

ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дархол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **1 175 864 805 (Бир миллиард бир юз етмиш беш миллион саккиз юз олтимиш тўрт минг саккиз юз беш) сўми** ташкил қилади.

4.2. Ушбу шартнома бўйича тўлов аванс асосида амалга оширилади.

4.2.1 Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 0,4 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир).

6.2. Бартараф қилиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах вилоят хўжалик судида кўриб чиқишга топширадилар.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Ҳазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сузташ билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тулайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборadi.

9. Коррупцияга қарши шартлашув

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қулланиладиган барча шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушиниши ҳақида бир бирини ишонтиради ва уларга амал қилишди кафолатлайди

9.2. Истемолчи ушбу шартнома амалда булган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директор ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуратини олади.

10. Яқуний қондалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга вақолатли вакиллари томонидан имзоланиб, Ҳазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг қучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

Шартномага илова _____

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Буюртмачи»

Пудратчи:

Ш.Рашидов туман Мактабгача таълими бўлими

(бюджетдан маблаг олувчининг номи)

“NEW STAR DJIZAKH” МЧЖ

(Пудратчи ташкилот номи)

Манзил: Ш.Рашидов тумани Уч-тепа даҳаси
ш/х*: 401722860082127091100251008

Банк номи: Тошкент ш Марказий банк

Бош Бошқармаси

МФО: 00014

СТИР: 305 151 537

Ҳисоб рақами: 20 208 000 905 113 759 001

Банк номи: АТ “Алоқабанк” Жиззах вилоят филиали

МФО: 00401

СТИР: 306 655 177

ОКОНХ

Юридик манзили: Шароф Рашидов туман

ОКОНХ:

Ш.Рашидов туман Ҳазначилик бўлинимаси

Ўз.Рес. Молия вазирлиги ягона Ҳазна ҳисоб варағи

Ҳазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010

МФО: 00014

СТИРи: 201 122 919

Раҳбар
(лавозим)



А.Кўбаев
(Ф.И.Ш)

Раҳбар
(лавозим)



Ш.Маматкулов
(Ф.И.Ш)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY

XULOSA

MC5613283805

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Jizzax viloyat Sharof Rashidov tumani Maktabgacha ta'lim bo'limiga qarashli 13-son Davlat maktabgacha ta'lim tashkiloti binosini joriy ta'mirlash xaqida.**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Sharof Rashidov tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 21.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Sharof Rashidov
tumani yuridik
markazi
bosh yuristkonsulti:**



B.U.SAFAROV
21.12.2022

**207743 лот юзасидан шаклланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилади.

Муҳокама тугаган сана:

16.12.2022 18:36

Комиссия раиси:

KO'BAYEV AKMAL SIRLIYEVICH

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги

ГУВОҲНОМА



Юридик шахс

"NEW STAR DJIZAKH" MASBULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT

Ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолда юридик шахс - тадбиркорлик субъектининг тўлиқ номи

"NEW STAR DJIZAKH" MCHJ

Юридик шахснинг қисқартирилган номи

306 655 177

Солиқ тўловининг идентификация рақами (СТИР)

Ташкил этиш (қайта ташкил этиш, бошқа рўйхатга олиш, ахборотни ўзгартириш)

20.08.2019

Сана

753593

Тасдиқланди

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:

MASBULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT

Феолият юридадиган манзил:

JIZZAX VILOYATI, SHAROF RASHIDOV TUMANI, ZIYOKOR MFY, SHAMANZOR KO'CHASI, 9 UY

Томонидан берилган:

SHAROF RASHIDOV TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI



035225

